

СТРАТЕГИК КОМПЕТЕНЦИЯ- КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИ СИФАТИДА

Исмаилова М.Б.

Докторант ЎзДЖТУ

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6320497>

Коммуникатив компетенция таркибий қисмларининг турли моделларини ўрганиш шуни кўрсатдики, кўплаб муаллифларнинг концепцияларида тадқиқотчилар томонидан коммуникативликни белгиловчи чет тили коммуникатив компетенциясининг муҳим таркибий қисми сифатида қараладиган стратегик компетенция мавжуд. Бироқ, бу компетенция чет тилининг коммуникатив фаолияти муаммоларини ҳал қилишнинг мақбул усулларини излашда асосий аҳамиятга эга бўлишига қарамай, ушбу концепциянинг мазмуни ҳақида бир неча ўн йиллар давомида мунозаралар давом этмоқда. Олимлар стратегик компетенциянинг таснифи ва чет тилларни ўқитишдаги ўрни бўйича турли нуқтаи назарларни билдирдилар. Шундай қилиб, «Коммуникатив компетенция» тушунчасининг таҳлили шуни кўрсатдики, 1980 йилларга келиб М.Канале ва М.Свейн чет тилларини ўқитишда коммуникатив ёндашув тадқиқотчилари унинг таркибида мулоқот жараёнида юзага келадиган муоммолар, қийинчиликлар ва турли бўшлиқларни қоплашда қўлланиладиган вербал ва новербал мулоқот стратегияларини аниқладилар. Бошқача қилиб айтганда, мулоқот стратегияларини ўзида жамловчи *стратегик компетенция* коммуникатив ёндошувнинг асосий таркибий қисмларидан бири деб эътироф этилди.

Ж.А. ван Ек нинг тарифига кўра стратегик компетенция бу “фойдаланувчининг билим даражасидаги бўшлиқларни тўлдириш учун вербал ва новербал мулоқот стратегияларини қўллай олиш қобилияти” деб ифодалайди. Бошқа тадқиқотчилар, шулар жумласидан П.Шародо стратегик компетенцияни дискурсив компетенциянинг таркибий қисми деб қарайди ва матн яратиш стратегиясига боғлайди.

Бироқ, бу таърифлар «стратегик компетенция» тушунчасини шакллантиришга ёрдам берган бўлсада, бизнинг фикримизча, уларни тўлиқ деб ҳисоблаш қийин, чунки чет тили ўрганувчилари стратегик компетенциядан фақатгина мулоқот жараёнидаги бўшлиқларни тўлдириш учун фойдаланиш билан чекланиб қолмайди.

Л.Бахман ўз тадқиқотида М.Канале ва М.Свейн таклиф қилганидан кўра стратегик компетенциянинг кенгроқ назарий моделини тақдим этди. Модел таркибига қуйидагилар киради:

- баҳолаш компоненти- коммуникантлар (гапираётганда, тинглаётганда, ўқиётганда ёки ёзаётганда) коммуникатив мақсадларни аниқлаганда;
- режалаштириш компоненти коммуникантлар ўзларининг лингвистик қобилиятларидан фойдаланган ҳолда хотирада адекват лингвистик бирликларни тиклашлари ва улардан фойдаланиш режасини тузишда;
- ижро компоненти- коммуникантлар режани амалга оширишда ва нутқ ҳаракати якунланади
- назорат компоненти- коммуникантлар ўзининг мақсадга эришиш даражасини баҳолаши.

Демак, стратегик компетенция умумий ва лингвистик компетенция даражасида

ишлайди, аммо унинг фаолият доираси М.Канал ва М.Свейн томонидан таклиф қилинган тушунчага қараганда анча кенгроқдир. Тадқиқотчи К.Каспернинг фикрича, Л.Бахман моделидаги стратегик компетенция нафақат мулоқот жараёнида муайян қийинчиликлар юзага келганда, рецептив ва репродуктив муаммоларини ҳал қилишда ҳам қўлланилади, балки, аслида, самарали мулоқотни амалга ошириш учун асос бўлади. Гарчи турли олимлар стратегик компетенцияни турлича изоҳлаган бўлсалар ҳам, уларнинг тарифлари орасида катта фарқ йўқ. Тадқиқотчиларнинг баъзи тушунтиришлари қуйидагичадир:

И. Якубов ва А.Н. Шамовларнинг таърифларига кўра стратегик компетенция бу " мулоқот жараёнида юзага келадиган муоммоли вазиятдан вербал ва невербал воситалар (савол сўраш, такрорлаш, имо ишоралар, перафраза ва бшқ) орқали вазиятдан чиқиб кета олиш қобилиятидир".

Ж.Ж.Жалолов ва Тарон фикрига кўра (1983): "Стратегик компетенция – бу маълумотларни тингловчига етказиш ва олинган маълумотларни тўғри талқин қилиш қобилияти; бу ахборотни етказиш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун алоқа стратегияларидан фойдаланишни ўз ичига олади».

Демак, стратегик компетенция - бу мулоқот самарадорлигини оширадиган ва керак бўлганда ўқувчига алоқа узилишлари юзага келганда қийинчиликларни енгишга имкон берадиган оғзаки ва оғзаки бўлмаган мулоқот стратегиялари ҳақидаги билимдир.

Юқоридаги олимларни фикрларини хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, стратегик компетенция бу мулоқот жараёнида муаммолар пайдо бўлганда сўзловчи ўз мақсадини тингловчига муваффақиятли етказиш қобилиятини англатади. Стратегик компетенция Л1 ва Л2 учун ҳам тегишли, чунки ҳар қандай мулоқотда ҳам узилишлар юзага келади ва уларни нафақат чет тилида, балки она тилида ҳам енгиш керак. Бироқ, стратегик компетенция маълум бир реал воқеаликда қўлланиладиган стратегияларни ўз ичига олганлиги сабабли, бу чет тилини ўқитишда талабалар учун муҳим аҳамиятга эга.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ж.Ж.Жалолов Г.Т.Маҳкамова. Ш.С.Ашуров (2015). English language teaching methodology.
2. Bachman, L. Fundamental Considerations in Language Testing / Lyle Bachman. – Oxford: Oxford University Press, 1990. – 408 p.
3. Chomsky, Noam. *Aspects of the Theory of Syntax*. Vol. 11. MIT press, 2014.
4. Гальскова, Н.Д. Современная методика обучения иностранным языкам / Н.Д.Гальскова. - М.: АРКТИ, 2003. – 192 с.